

10-мавзу. Телекоммуникацион тизимлар. Телемедицина.


- Кириш
- Телемедицина хакида тушунча
- Телемедицинанинг имкониятлари
- Телемедицинанинг асосий замонавий турлари
- Тиббиётда интернет технологияларидан фойдаланиш.
- Хулосалар
-
- **Кириш**
- Тиббиёт амалиётида компьютер техникаси, ҳамда турли телекоммуникацион технологияларининг кўлланилиши согликни сақлаш тизимида буткул янги соҳа - телемедицина (грекча «tele»-дистанция, латинча «mederi»- даволаш) нинг пайдо бўлишига олиб келди.
- Телемедицина усуллари биринчи мартаба кенг масштабда:
- 1988 йил Арменияда Зилзила ва
- 1989 йил Уфада газ қувурлари портлаши оқибатида зарар қурганларга, «Космик тиббий – биологик телемедицина - мости» ёрдамида 300 дан ортиқ клиник маслаҳатлар (консультациялар) берилди.
- Талофат қурган ҳудудлар билан Москвадаги клиникалар, ҳамда АКШ нинг йирик 4 та тиббиёт марказлари бир пайитда аудио-, видео- ва факсимиль алоқалар боғлаб туришди.
- «Телемост» нинг 12 ҳафталик иши давомида, 4 соатлик 34 та видеоконференция ўтказилди.
- Унда Армения, Башкирия, Москва ва АКШ нинг мутахасислари катнашди, 20 та мутахасислик бўйича, 209 та клиник ҳолат қуриб чиқилди.
- Телемедицина, бу телекоммуникацион ҳамда электрон ахборот технологияларидан режали ҳамда тезкор тиббий ёрдам кўрсатишда, ҳамда масофадан туриб ўқитишда фойдаланишдир.
- Телемедицина тизими стандарт юқори тезликли телефон тармоқлари, рақамли ахборот технологиялари, компьютерлар ва уларга қўшимча бўлган жихозлар, нур-тола оптикаси, алоқа йўлдошлари ҳамда дастурий таъминотдан иборат.
- Содда телемедицинадан беморлар ҳолатини телефон алоқаси ёрдамида назорат қилиш ва маслаҳат беришда фойдаланилади.

Мураккаб телемедицинадан,

Интерактив видеодан гистологик кесмалар, рентген суратлар, УЗИ тасвирларни узатиш учун, фойдаланадилар.

Шунингдек, масофадан бошқариш ва аудиоканаллардан фойдаланилади.

Телемедицина тизимининг структуравий схемаси



- **Телемедицина имкониятлари:**

- - фукаролар тиббиётда сахар ва кишлок районлари орасидаги алоқа, беморлар диагностикаси ва мониторинги ҳамда бошқалар;
- - харбий тиббиётда жанг майдони узок бўлганда жанговар жароҳатларни даволаш ва маслаҳат бериш, камок тизимлари ва х.к.;
- - согликни саклашнинг турли тизимларида, жумладан, ветеран ва инвалидлар учун телерадиологияни, қисман электрокардио- ва энцефалограммалар интерпритацияси учун фойдаланадилар.

Телемедицинанинг асосий замонавий турлари:

- 1. Телеэкспертиза, тиббий
 - электрокардиограмма,
 - рентгенограммалар,
 - электроэнцефалограммалар,
- хужжатлар алмашинуви ҳамда керакли тиббиёт соҳаси бўйича аниқ экспертлар ёки жойдаги ва узокдаги тиббиёт муассасаларининг хулосалари.
- 2. Телеконсилиум (видеоконференция), яъни жойдаги тиббиёт корхонаси базасида маълум касаллик диагнозини аниқлаштириш, уни даволаш йўллари ва услубларини аниқлаштиришга узокдаги экспертларни жалб қилиш.

Телеконсультация утказишда турли технологиялардан фойдаланилади.

(телемост, Internet орқали on-line режимида ёки e-mail орқали) .

- Айнан шундай видеоконференция беморнинг уйида «оила врач» аппаратураси телекамерали компьюттер ҳамда алоқа тармоги (оилавий телемедицина)дан фойдаланиб ўтказиш мумкин.

- 3. Телетекширув (телеобследование), махсус техник жихоз бўлиб, ўзида ёруглик манбаи ва ракамли телекамерани мужассамлаштирган бўлади.
- Тармок ёрдамида
- Офтальмология,
- Лор,
- Стоматология ва бошка жаррохлик бўлимларида ўрнатилган махсус ракамли
- (микроскоп, флюорограф, УЗИ ва бошка) аппаратларига ўрнатилган ракамли видеокамералар ёрдамида хосил қилинган тасвирни узокда турган врач ёки талабалар тармок орқали ўз компютери экранидан кўради ва мураккаб операция жараёнларини ўрганади.
- 4 – Теледаволаш (Телелечение),
- Францияда дунёда биринчи бўлиб 22 май 1998 йил соат 20 да, узокдан туриб жаррохликлик ишини (телехирургия) робот ёрдамида амалга оширилди.
- Телемедицинанинг халқ соғлигини сақлаш тизимидаги ахамияти хозирги кунда ҳам актуал масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Тиббиётда интернет технологияларининг ўрни

Кундалик ҳаётимизда фойдаланилаётган технологиялар

Коммуникация технологиялари:

- Мобил телефон, Мобил интернет, MMS ва SMS

Интернет тизими хизматлари

- Веб саҳифалар ва Электрон почта

Мультимедиа воситалари


- CD, DVD, MP3 ва Видео плеерлар

АКТ соҳасини тарғибот қилиш ва унга ёшларни жалб қилиш

- Халқаро ва Республика кўрик танловлари
- “Келажак Овози” Мегатанлови – ахборот технологиялари, рационализаторлик таклифлари ва техник ишланмалар номинацияси
- Интернет олимпиадалар
- мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида Информатика ва дастурлаш бўйича олимпиада
- Дастурлаш бўйича жаҳон чемпионати
- Олий ўқув юртлари талабалари ўртасида дастурлаш бўйича жаҳон чемпионати мусобақалари
- Компютер ўйинлари чемпионати
- Uzbekistan Cyber Games, World Cyber Games

“Келажак овози” танлови

Қатнашчилар контингенти



Лойиҳанинг асосий мақсади иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларни қўллаб қувватлаш

Танлов босқичлари:

1. Аризалар қабул қилиш;
2. Вилоят саралаш босқичи;
3. Республика финал босқичи

Интернет олимпиадалари

Ёшлар орасида ахборот – коммуникация технологияларини кенг тағиб қилиш, интеллектуал салоҳиятини ўстириш ҳамда иқтидорли ёшларни аниқлаш ва етарли шарт шароитлар яратиб бериш мақсадида Интернет олимпиадалари ўтказилади.

Ўзбекистон ёшлари ҳам интернет олимпиадаларда қатнашиб келмоқда, масалан: мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасидаги Информатика ва дастурлаш бўйича Бутунроссия олимпиадаси.

Дастурлаш бўйича жаҳон чемпионати

- Олий таълим муассасалари талабалари ўртасида Дастурлаш бўйича жаҳон чемпионати
- Чемпионатнинг асосий мақсади ёш дастурчи мутахассисларни топиш, қўллаб-қувватлаш ва етук дастурчи кадр қилиб тарбиялаш

Ёшларни АКТ таъсирларидан асраш

Алоқа воситаларидан фойдаланиш

- Мобил алоқа тизимлари - тезкор алоқа воситаси сифатида фойдаланиш, аҳамияти ва салбий оқибатлари

- Мобил алоқа тизимлари – мультимедиа ва ахборот тарқатувчи восита сифатида, аҳамияти ва салбий оқибатлари

Ёшлар онгига таъсирини камайтириш чоралари

- Оилада, Маҳаллада, Ўқув муассасасида тушинтириш ишларини олиб бориш

АКТдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш

- Уяли телефонлардан фойдаланиш тартиб қоидаларини кенг тарғиб қилиш
- Интернет ресурсларидан тўғри ва оқилона фойдаланишни ташкил этиш

Ёшлар ва коммуникация воситалари

- **Ижобий:**
 - болалар телефонларига оддийроқ бўлса ҳам дастурлар яратишни, дастурлардан фойдаланишни ўрганади, телефонида мусиқани юклаб олиш ёки телефонини компьютерга улаб техникани ҳам ўзлаштириши мумкин.
- **Салбий:**
 - Мобил телефон орқали кўп гаплашганда ундан тараладиган электромагнит тўлқинлари инсоннинг эшитиш ва мия тизими учун зарарли ҳисобланади.
 - Телефон туфайли ёш болаларда жиззакилик, руҳий тушкунлик, лоқайдлик каби иллатлар юзага келади

Ёшлар ва компьютер ўйинлари

- **Ижобий**
 - Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни, клавиатура билан ишлашни ўргатади. Бу ўз навбатида замонавий ахборот воситаларини ўзлаштиришга хизмат қилади.
 - Компьютер ўқув ва машқ (тренажёр) ўйинлари ақл идрокни, билим ва салоҳиятни ўстиришга хизмат қилади, бу эса қувонарли ҳолат.
- **Салбий**
 - Ўйинларнинг асосий мақсад ва ғоясини таҳлил этадиган бўлсак, улардан фақат кўпоровчилик, ваҳшийлик ва шафқатсизликни ўрганиш мумкин
 - Компьютер ўйинлари ёшларнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади, бунда болалар инжик, хаёлпараст, таъсирчан, баджаҳил бўлиб қолади.

Интернет кафелар, уларнинг ижобий ва салбий оқибатлари

Ижобий:

- Компьютер саводхонлигини ошириш
- Янги замонавий технологияларни ўзлаштириш

- Очик ахборот манбаидан фойдаланиш
- Турли миллатлар маданияти билан танишиш
- Электрон тижорат ютуқларидан фойдаланиш
- Электрон хабарлар алмашиш ва мулоқот қилиш
- ва х.к.

Салбий:

- Виртуал жанговор компьютер ўйинлари
- Дахшатли фильмлар
- Ёшлар онгини зарарловчи турли фильмлар ва ахборотлар

Интернет кафе хизматидан ижобий фойдаланиш

Махсус назорат ташкил этилган Интернет кафелар. Бундай Интернет кафеларда мавжуд технологиялардан ва шарт – шароитдан фақатгина ижобий фойдаланиш ташкил этилган

Интернет кафе хизматидан салбий фойдаланиш

Назорат мавжуд бўлмаган Интернет кафелар. Бундай Интернет кафеларда фойдаланувчилар кўнглига келган ишларни қилиши, турли хил стратегик ва вахшийликка йўналтирилган ҳамда рухиятга таъсир этувчи ўйинларни ўйнаши, турли жанрдаги муסיқаларни тинглаши видео фильмларни ва роликларни томоша қилиши мумкин. Бундай Интернет кафелар ёшларнинг тарбиясида салбий аҳамият касб этади.

Миллий ахборот ресурслари ва интерактив хизматлардан фойдаланиш

- Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали
 - Давлат ҳокимияти, давлат рамзлари, хизматлар реестри, давлат органлари сайтлари тўғрисидаги маълумотлар
- Давлат бошқарув органлари сайтлари
 - Бошқарув органлари: вазирликлар, қўмиталар, инспекциялар, агентликлар, банклар, марказлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳақида маълумотлар
- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва олий таълим муассасалари сайтлари
 - Олий таълим соҳасига оид меъёрий ҳужжатлар ва маълумотлар, Олий таълим муассасалари ва уларнинг фаолияти ҳақида маълумотлар
- Ziyonet ахборот таълим тармоғи портали
 - Таълим соҳасидаги ягона ахборот манбаи

ХУЛОСА

- Маънавий салоҳиятни ўстириш ва баркамол авлод тарбиясида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан тўғри фойдаланишни ташкил этиш
- Интернет ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда компьютер ўйинлари ва Интернет–кафе фаолиятини тартибга солиш

- Ахборот - коммуникация ва Интернет технологиялари ютуқларидан оқилона ва мақсадли фойдаланиш.
- Ахборот - коммуникация технологияларидан ва ахборотлардан фойдаланиш маданиятини ва муҳитини шакллантириш.
- Интернет тармоғида ёшларга, уларнинг қизиқишларига ва интилишларига, ахборот эҳтиёжларига ҳамда ютуқларига йўналтирилган электрон манбаларни ташкил этиш
- Ёшларни турли хил ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш